

1-БЛОК: Өзбек тили мен адабиети***Бир дұрыс жауабы бар тапсырмалар***

1. Омоним сүз иштирок этган қаторни топинг
 - A) Осмонда сайр этар миллион жуфт күзлар
 - B) Күп китоб үкиган кишининг зехни үткирлаша боради
 - C) Тулкига қойилки, ұтга чанг солмас, чунки у ұт ила тенг кела олмас
 - D) Ит хураверади, карвон ұтаверади
 - E) Она сүзининг үзи ҳар юракка жарангли садо беради

2. “Мўсафид” сүзини синоними билан алмаштириб бўлмайдиган қаторни топинг
 - A) Кексалар билан маслаҳатлашдим
 - B) Чол ҳассага таяниб аста-аста қадам ташлар эди
 - C) Оқсоқолларни тўрга ўтказинг
 - D) Унинг оти анча қари эди
 - E) Нуроний чоллар давра тўрида

3. Бир маъноли сүз иштирок этган гапни топинг
 - A) Достоннинг боши оғриб, дарсга келолмади
 - B) Ўзбек тилида 10та унли ҳарф бор
 - C) Талабалик-олтин даврим
 - D) Тўдадан ажраган тўрга тушар
 - E) Сувлар тиниқ, япроқлар олтин

4. Ёпиқ бўғинлардан бири фақат жарангли ундошлардан ташкил топган сүзни аниқланг
 - A) Сунбул
 - B) Кино
 - C) Пахта
 - D) Китоб
 - E) Тошлоқ

5. Бўғинга ажратиш қонун-қоидаларига риоя қилинмаган сўзлар қаторини аниқланг
 - A) Тўрт-бур-чак, ў-рин-бо-сар
 - B) Қирқ-о-ғай-ни, шо-ли-по-я
 - C) Ер-тў-ла, а-тир-гул
 - D) Асал-ари, кў-зо-й-нак
 - E) На-моз, меҳ-нат-се-вар

6. Ниманинг иштирокига кўра ундош товушлар жарангли ва жарангсизга бўлинишини кўрсатинг.
- Шовқиннинг иштирокига кўра
 - Овознинг иштирокига кўра
 - Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра
 - Бурун ва товушларнинг иштирокига кўра
 - Лабланган товушларнинг иштирокига кўра
7. Қайси гапдаги қаратқич келишигининг қўшимчасини чиқиш келишигининг қўшимчаси билан алмаштириш мумкинлигини топинг
- Меҳмонларнинг ёши улуғи гапирди
 - Мақтаб кутубхонаси иккинчи қаватда жойлашган
 - Паловнинг масаллиғи тайёрлаб қўйилди
 - Саид аканинг гапи тугамас эди
 - Мақтанганнинг уйини кўр, керилганнинг тўйини
8. Дам ёмғир ёғади, дам ҳаво очилади. Ушбу гап таркибида боғловчининг қайси тури қўлланганлигини аниқланг
- Зидлов боғловчиси
 - Айирув боғловчиси
 - Эргаштирувчи боғловчи
 - Боғловчи қўлланмаган
 - Бириктирув боғловчиси
9. Эгалик қўшимчаси қўшилган сўзлар қаторини белгиланг
- Шифохона, бемордан
 - Дарслигимиз, қаламим
 - Рўмолча, пахтакор
 - Китобча, юлдузча, қўзичоқ
 - Инсонлардан, столда
10. Қайси қатордаги гап морфологик жиҳатдан тўғри таҳлил килинганлигини топинг
- От(от) сойга (от) тушиб кетди(феъл)
 - Отанинг(от) насихати(от)ерда(равиш)қолди(феъл)
 - Яхши (от)одамга(олмош) жон (от) фидо(сифат) қилса бўлади
 - Дўстим(от)ғалати(сифат)аҳволга(сон) тушиб қолди(феъл)
 - Кўп (равиш)ўйла (феъл) оз(равиш) сўйла(от)
11. Қайси қатордаги атамалар от туркумига мансублигини аниқланг
- Бўлишли, бўлишсиз
 - Турланиш, сон, эгалик
 - Нисбат, даража, эгалик
 - Миқдор, тартиб, санок
 - Замон, тусланиш, шахс-сон

12. Морфологияда нима ўрганилишини аниқланг
- Ўзбек тилининг талаффуз меъёрлари
 - Тиниш белгилари
 - Сўзнинг луғавий маъноси
 - Сўзларнинг тузилиши ва ўзгариши ҳамда сўз туркумлари
 - Сўз таркиби ва гап бўлаклари
13. Бош сўз олмош билан ифодаланган отли бирикма кайси қаторда берилганини аниқланг
- Ҳаммадан гўзал
 - Сайёҳларнинг учтаси
 - Дўстимнинг ўзи
 - Кўп билмоқ
 - Фаровон ҳаёт
14. Қуйидаги гапда иштирок этган сон қандай маъно англатишини топинг
Кенг яғринли бир ўзбек йигити сўзлай бошлади
- Айирув боғловчи маъносида
 - Нарсанинг аниқ сонини
 - Ҳаракатнинг белгисини
 - Ноаниқликни
 - Таъкид маъносини
15. Ҳолатни билдирувчи феълларни аниқланг
- Сўзламоқ
 - Кулмоқ, сотмоқ
 - Сўзламоқ, ухламоқ
 - Йиғламоқ, ранжимоқ
 - Кетмоқ, бормоқ
16. Қўшма феъл иштирок этган гап қаторини аниқланг
- Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи
 - Наврўз байрамида бу майдон катта сайлгоҳга айланиб кетади
 - Онам бир этак қулупнай терди
 - Яхшини ёмон кунда сина
 - Олқиш олган омондир, қарғиш олган ёмондир
17. Мақсад майлидаги феъл қатнашган гап берилган қаторни кўрсатинг
- Ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқдир
 - Катта бўлгач кашфиётлар қиламиз, ғалаба қозонамиз
 - Чумчуқдан кўрққан тарик экмайди
 - Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан
 - Фурсатдан фойдаланиб, маҳалла аҳлига, фаолларига ўз миннатдорчилигимиз ва ҳурмат-эҳтиромимизни билдирмоқчимиз

18. *“Мактабимиз ёнида катта ва чиройли боғ бор”*. Берилган гапдан аниқловчини топинг
- A) мактабимиз, ёнида
 - B) ёнида, боғ
 - C) мактабимиз, ёнида, бор
 - D) мактабимиз, катта
 - E) катта, чиройли
19. Бир бош бўлакли гап қўлланган қаторни аниқланг
- A) Маърузачи қишлоғимизнинг келажаги ҳақида сўзлади
 - B) Машина Фарход тоғи тагига келиб тўхтади
 - C) Биз бу қувончли кунларга осонлик билан етиб келмадик
 - D) Тошдан гавҳарни фарқ қилиш керак
 - E) Дарахтлар орасидан кўриниб турган кул ранг осмон секин-секин қизара бошлади
20. Қайси қаторда қўшма гап берилганлигини топинг
- A) У гоҳ афсусланиб, гоҳ куюниб гапириб берди.
 - B) Қизиқ, сермазмун ва эсда қоладиган суҳбат бўлди
 - C) Фарзандни гулга, онани бўстонга ўхшатадилар
 - D) Биз яхши биламизки, китоб кишининг энг яқин дўсти.
 - E) Шоҳ Ғозий дунёдаги энг доно, энг одил подшолардан эди.
21. *Дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб*. Ушбу қўшма гапнинг иккинчи қисмида қўлланиши зарур бўлган қайси гап бўлаги ифодаланмаганини топинг
- A) эга
 - B) аниқловчи
 - C) тўлдирувчи
 - D) ҳол
 - E) кесим
22. Тасвирий ифода берилган қаторни аниқланг.
- A) ёғ тушса ялагудек, кумуш тола
 - B) олиб келди, яшил бойлик
 - C) дала маликаси, чарм қўлқоп устаси
 - D) ватан, тегирмон, масала
 - E) қора олтин, дарслик
23. Ундалма берилган қаторни аниқланг.
- A) Азиз у билан фахрланишимизни ҳис этди
 - B) Азиз, сен билан фахрланамиз
 - C) Азиз бизнинг у билан фахрланишимизни билармикан?
 - D) Азиз билан фахрланамиз
 - E) Азиз бизнинг фахримиз

24. Ибора билан ифодаланган эгани топинг.
- A) Унинг оёқ олиши бизга ёқмади
 - B) Ҳар ким ўз билганича идрок этади
 - C) Ёлгон сўз кишининг обрўйини туширади
 - D) Қозоғистон Республикаси бизнинг Ватанимиз
 - E) Мулкисиз одам – эркисиз одам
25. Қайси услуб китобхонга маълумот беришдан ташқари, таъсир кўрсатиш вазифасини ҳам бажаради
- A) илмий услуб
 - B) сўзлашув услуби
 - C) расмий услуб
 - D) публицистик услуб
 - E) бадиий услуб
26. Боласоғунда бошланиб, Қошғарда ёзиб тугалланган ва ҳукмдор Буғрохонга тақдим этилган асар номини белгиланг
- A) “Муҳаббатнома”
 - B) “Қутадғу билиг”
 - C) “Ҳибат ул -ҳақойиқ”
 - D) “Қобуснома”
 - E) “Девону луғотит турк”
27. Навоий “шайхул машойих” деб улуғлаган шоир
- A) Аҳмад Югнакий
 - B) Хоразмий
 - C) Юсуф Боласоғуний
 - D) Аҳмад Фарғоний
 - E) Аҳмад Яссавий
28. “Адиб Аҳмад” номи билан шуҳрат топган дидактик адабиётнинг Юсуф Хос Ҳожибдан кейинги машҳур вакили
- A) Аҳмад Фарғоний
 - B) Аҳмад Югнакий
 - C) Аҳмад Салоҳий
 - D) Аҳмад Бухорий
 - E) Аҳмад Яссавий
29. Ўзбеклар орасида тарқалган “Гўрўғли” дostonларининг сони қанчадан ошишини аниқланг
- A) 200 тадан
 - B) 150 тадан
 - C) 70 тадан
 - D) 50 тадан
 - E) 100 тадан

30. Фольклорчи олим Ҳоди Зариф томонидан 1928 йилда Эргаш Жуманбулбул ўғли оғзидан ёзиб олинган ва 1941 йилда нашр этилган достон
- A) “Алпомиш”
 - B) “Мухаббатнома”
 - C) “Суҳайл ва Гулдурсун”
 - D) “Равшан”
 - E) “Рустам” достони
31. Қадим ўтган замонда, эли-юрти омонда, Бухородай туманда, Така-Ёвмид деганда, Ёвмит элида, Чамбилнинг белида Гўрўғлибек даврини суриб, душманнинг додини бериб ўтди.... деб бошланувчи достон номини топинг
- A) “Мухаббатнома”
 - B) “Рустам” достони
 - C) “Суҳайл ва Гулдурсун”
 - D) “Равшан”
 - E) “Алпомиш”
32. “Эпос “сўзининг маъноси берилган қаторни топинг
- A) ривоя, кўшиқ, топишмоқ
 - B) достон, кўшиқ, сўз
 - C) тез айтиш, кўшиқ, нутқ
 - D) ҳикоя, тез айтиш, нутқ
 - E) сўз, нутқ: ҳикоя, кўшиқ
33. Мавсум-маросим кўшиғи берилган қаторни топинг
- A) ёр-ёр
 - B) Чой момо
 - C) лапар
 - D) Суст хотин
 - E) барча жавоб тўғри
34. Мақол қатнашмаган қаторни топинг
- A) Сабр таги сариқ олтин
 - B) Жўжани кузда сана
 - C) Қишда қатик қаттиқ қотиб қолибди
 - D) Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда
 - E) Устоз отангдай улуғ
35. Турди Фароғий қайси асрда яшаб, ижод этганлигини аниқланг
- A) 13
 - B) 9
 - C) 19
 - D) 17
 - E) 15

36. “Зарбулмасал” асаридаги воқеалар кимлар тўғрисида айтилганини топинг
- A) туялар
 - B) тошбақалар
 - C) одамлар
 - D) чаёнлар
 - E) қушлар
37. Қизартиб чехра майдин ошиқи зорингни куйдирма,
Юзингга бодадин ўт солма, гул узорингни куйдирма.
Ушбу мисралар муаллифи
- A) Навоий
 - B) Муҳаммад
 - C) Турди
 - D) Амирий
 - E) Лутфий
38. Нодиранинг форс тилида ёзилган шеърларига қўллаган тахаллуси
- A) Нодира
 - B) Комила
 - C) Макнуна
 - D) Нафис
 - E) Моҳларойим
39. У балоғатга етгач, марғилонлик Ҳожихон деган косиб йигитга турмушга берилади ва Қуёшхон, Муҳаммадхон исмли фарзандлар кўради.
- A) Анбар отин
 - B) Моҳларойим
 - C) Нодира
 - D) Увайсий
 - E) Макнуна
40. Ҳеч ким, ё раб, жаҳонда ёридин айрилмасун,
Жондин ортиқ меҳрибон дилдоридин айрилмасун.
“Фироқнома” асаридан олинган ушбу мисралар кимнинг қаламига мансублигини аниқланг
- A) Нодира
 - B) Анбар отин
 - C) Увайсий
 - D) Фитрат
 - E) Навоий

41. Анбар отиннинг”Қаролар фалсафаси”асарида нима ҳақида сўз боришини топинг
 А) қимматчилик
 В) бойларнинг очкўзлиги
 С) аёлларнинг оғир қисмати
 Д) фарзандлар бебошлиги
 Е) оддий халқнинг ўз ҳақини талаб қилолмаслиги
42. Отам –Фармоқулийи Марғилоний
 Онам-Ашурбийийи Қўқоний
 Алар белбоқчи-бўзчи эрди касби
 Ҳамиша маккайидин эрди нони.
 Ки, “бўзчи ёлчимас белбоққа” доим,
 Яна жуфт бўлмас эрди чопони.
 Бизоат бўлмағач уй эрди нотинч
 Санаб бўлмас эди жанжал сони. Ушбу таржимаи ҳол кимга тегишли эканлигини аниқланг
 А) Шерозий
 В) Бедил
 С) Гулҳаний
 Д) Анбар отин
 Е) Увайсий
43. Миртемир ижодига мансуб асарни топинг
 А) “Вақт”
 В) “Сен етим эмассан”
 С) "Нидо”
 Д) “Ўзбегим”
 Е) “Сурат”
44. Зид қўйиш маъносини ифодаловчи шеърий санъат тури
 А) иштиқоқ
 В) талмиҳ
 С) тазод
 Д) тажнис
 Е) қофия
45. Солиб борма мени эй, Юсуфи ҳусн,
 Букун Яъқубтек байтул-ҳазанда.
 Атоийнинг ушбу байтида фойдаланилган шеърий санъат тури
 А) қофия
 В) тажнис
 С) иштиқоқ
 Д) талмеҳ
 Е) тазод

46. А. Қахҳор қаламига мансуб роман
- А) “Оғриқ тишлар”
 - В) “Оқибатсиз Туркистон”
 - С) “Аяжонларим”
 - Д) “Қўшчинор ”
 - Е) “Тобутдан товуш”
47. Келди очилур чоғи, ўзлигинг намоён қил,
Парчалаб кишанларни ҳар томон паришон қил...
Ушбу мисралар Ниёзийнинг қайси шеърдан олинганлигини топинг
- А) “Йиғла, Туркистон”
 - В) “Оқибатсиз Туркистон”
 - С) “Паранжи сирлари”
 - Д) “Майсаранинг иши”
 - Е) “Ўзбек хотин-қизларига”
48. А. Қахҳор қаламига мансуб бўлмаган асар берилган қаторни топинг
- А) “Оғриқ тишлар”
 - В) “Ўтмишдан эртақлар”
 - С) “Оқибатсиз Туркистон”
 - Д) “Тобутдан товуш”
 - Е) “Аяжонларим”
49. Вақтнинг тўхтовсиз ҳаракати, инсон тилаги ва меҳнати ҳақидаги
фалсафий ўйлар акс этган Мақсуд Шайхзода қаламига мансуб шеър
- А) “Муҳаббат”
 - В) “Қадр”
 - С) “Вақт”
 - Д) “Соғиниш”
 - Е) “Йилларнинг саломин йилларга элтиб”
50. “Сароб” ва “Қўшчинор” романларининг муаллифи
- А) Ғ. Ғулом
 - В) Уйғун
 - С) А. Қахҳор
 - Д) А. Қодирий
 - Е) К. Яшин

Бір немесе бірнеше дўрыс жауабы бар тапсырмалар

51. Қайси қатордаги равишларга сўз ўзгартувчи қўшимчалар қўшилганлигини топинг
- A) Ҳеч қачон, тўсатдан
 - B) Бирдан, бирга
 - C) ҳеч қачон, ҳар замонда
 - D) Авваллари, илгарилари
 - E) Сўздан, бирга
 - F) Ёнламасига, қаторасига
52. Мослашув йўли билан бириккан сўз бирикмаси берилган қаторни топинг.
- A) иноқ қўшни
 - B) узукнинг кўзи
 - C) эшикни очмоқ
 - D) илмда ўткир
 - E) дарсда фаол
 - F) Озода Озодбек билан учрашиб туради
 - G) мовий осмон
53. Шахси топилмас гап берилган қаторни топинг.
- A) Устозларим мен учун қадрли
 - B) Орқадан гапирган дўст эмас
 - C) Дўстини ёмонлагандан қоч
 - D) Умр бўйи билимни бойитиб бориш лозим
 - E) Кийимни бўйга қараб бичадилар
 - F) Мен ўз оиламни севаман
 - G) Ватанга хизмат қилишга тайёрман
54. Қўшма гап берилган қаторни аниқланг.
- A) Ўқувчилар мактаб бағрига қайтишди
 - B) Дастурхон ёзиб, нонларни ушатди
 - C) Стол усти турли қоғозлар, лойиҳалар билан тўла
 - D) Кишилар меҳнатни қадрлайдилар, улуғлайдилар
 - E) Наботот олами бўлмаса, ҳаётнинг ўзи бўлмайди
 - F) Бутун гуруҳ аъзолари астойдил ишга киришди

55. Қайси қатордаги гапларда тиниш белгилари тўғри қўйилганлигини аниқланг
- A) “Хўш! Қандай янгиликлар бор?”-деди Ҳктам
 - B) “Хўш, қандай янгиликлар бор”?-деди Ҳктам
 - C) “Хўш, қандай янгиликлар бор!”-деди Ҳктам
 - D) “Хўш қандай янгиликлар бор?”-деди Ҳктам
 - E) “Хўш, қандай янгиликлар бор?”-деди Ҳктам
 - F) “Хўш, қандай янгиликлар бор”-деди Ҳктам
 - G) “Хўш! қандай янгиликлар бор”-деди Ҳктам
56. Айрилиқ тахаллуси билан ижод қилган шоир
- A) Фурқат
 - B) Муқимий
 - C) Аваз Ҳтар
 - D) Навоий
 - E) Айний
 - F) Фитрат
 - G) Бедил
57. Ҳн ики ойда келадур бир таноб,
 Ҳзгалара роҳату менга азоб.
 Султон Али Хўжа, Ҳакимжан икав,
 Бири хотун, бириси бўлди куяв. Ушбу мисралар Муқимийнинг қайси асаридан олинганлигини аниқланг
- A) “Масковчи бой таърифида”
 - B) “Танобчилар”
 - C) “Виставка хусусида”
 - D) “Зарбулмасал”
 - E) ”Босқинчилар”
 - F) ”Сайлов”
 - G) “Хизматкорлар”
58. Юзингни кўрсатиб аввал ўзунга бандалар қилдинг,
 Яна кўнглум олиб юз ноз бирла хандалар қилдинг, деб бошланувчи мухаммас..... қаламига мансуб
- A) Фитрат
 - B) Аваз Ҳтар
 - C) Анбар отин
 - D) Фурқат
 - E) Атоий
 - F) Ойдин
 - G) Завқий

59. Ҳ. Олимжоннинг драмаси берилган қаторни топинг
- А) “Муқанна”
 - В) “Олов сочлар”
 - С) “Ұлка”
 - Д) “Бировнинг ташвиши”
 - Е) “Кўклам”
 - Ғ) “Пойга”
 - Г) “Зайнаб ва Омон”
60. М. Аvezовнинг қайси ҳикоясида Қосим исмли етим бола ҳақида ҳикоя қилинишини аниқланг
- А) “Энглик кепак”
 - В) “Излар”
 - С) “Бечоранинг куни”
 - Д) “Абай”
 - Е) “Етим”
 - Ғ) “Уч кун”

Мәнмәтіндік тапсырмалар

1-мәнмәтін

Бір дұрыс жауабы бар 5 тапсырма

Унинг икки эртаги бұларди. Бири ұзиники бұлиб, уни ҳеч ким билмасди. Иккинчисини эса, бобоси сұзлаб берганди. Кейин биронтаси ҳам қолмади. Гап шу хусусда. Ұша йили у етти ёшга тўлиб, саккизга қадам кўйганди. Аввал портфел сотиб олинди. Қоп- қора дермантин портфелнинг очиб ёпганда шиқиллайдиган қулфи ялтираб турарди. Ёнида майда- чуйда соладиган киссаси ҳам бор. Киссаси ғаройиб, айна пайтда оддий мактаб портфели эди. Ҳамма нарса эҳтимол шундан бошланди. Бобоси уни кўчма дўкондан сотиб олди. У ўша кўчма дўконни узоқдан кўриб қолди, машина кетидан тўзон кўтариб, тоғдан тушиб келаётган эди. Шунда у қувониб кетди, ўзига портфел олинишини билгандек қувониб кетди. Шу заҳотиёқ сувдан сакраб чиқди, чиллакдек оёқларини почаларига тикди-ю, сувнинг совуқлигидан кўкариб кетган баданининг ҳўли билан кўчма дўконнинг келаётганини биринчи бўлиб етказиш учун сўқмоқдан уйлар томонга чопиб кетди.....

Бўкей холанинг хушнуд дамлари камдан-кам бўларди. Кўпинча ғамгин ва тажанг юрар, жиянига эътибор ҳам қилмасди. Унинг ўз дарди бор. Бувиси, фарзанди бўлганда бутунлай ўзгача юрарди, дерди. Эри Ҳрозқул ҳам. Мўмин бобо ҳам ҳозиргидай эмас, балки бошқача одам қиёфасида юрган бўларди. Унинг иккита қизи Бўкей хола ва боланинг онаси –бўлса-да, Барибир чолга оғир эди; Ўз боланг бўлмаса-бир бало, болангдан бола бўлмаса, минг бало. Бувиси шундай деб зорланади. Ким билсин...

61. Ҳрозқулнинг хотини ёмон муносабатда бўлган инсон берилган қаторни аниқланг
- A) кампир
 - B) Ҳрозқул
 - C) Бўкей
 - D) Мўмин
 - E) Сейдахмад
62. Юқорида берилган парча қайси қиссадан олинганлигини аниқланг
- A) “Оқ қушлар, оппоқ қушлар”
 - B) “Армон”
 - C) “Умр йўллари”
 - D) “Оқ кема
 - E) “Қайтар дунё”

63. Юқорида берилган парча муаллифини аниқланг
- A) Саид Аҳмад
 - B) Чингиз Айтматов
 - C) Одил Ёқубов
 - D) Ҳткир Ҳошимов
 - E) Абдулла Қаҳҳор
64. “Инсонлар қандай яшашлари керак бўлса, шундай яшанглар” тарзидаги насиҳат етимларга қарата ким томонидан айтилганини аниқланг
- A) Мўмин
 - B) Ҳрозқул
 - C) Сейдахмад
 - D) Она буғу
 - E) Бўкей
65. Портфел олиб бериб, боланинг бахтиёр бўлишига сабабчи бўлган инсон
- A) отаси
 - B) тоғаси
 - C) онаси
 - D) амакиси
 - E) бобоси

*Мәнмәтіндік тапсырмалар**2-мәнмәтін**Бір дұрыс жауабы бар 5 тапсырма*

Жұранинг ота-онаси далага кетди. Жұра уйда қолди. У дарс қилгани ұтирди. Бирдан құшни хотинларнинг ғала –ғовурини эшитиб қолди. Гап нотаниш кишининг чегара томонга ұтиб кетгани хақида борарди.

Жұра жамоа хұжалиги отхонасига югурди. Отлардан бирини миниб, чегара томон хайдади. У нотаниш кишини қишлоқ чеккасида учратди. Лекин нотаниш киши отни чұчитиб қочиб қолди. Жұра отни қишлоққа бурди. Қишлоқдан чегарачиларга телефон қилди. Воқеани тушунтирди. Чегарачилар нотаниш кишини құлга туширдилар. Улар холис хизматлари учун бир гурух кишиларни мукофотладилар. Мукофотланганлар орасида Жұра ҳам бор эди.

Чегарачилар Жұрага дурбин совға қилишди. Жұра чегарачи бұлишга ахд қилди.

66. Чегарачилар нотаниш кишини құлга туширдилар. Ушбу гапда қанча от-сүз туркумига хос бұлган сүзлар борлигини аниқланг

- A) 1
- B) 4
- C) 3
- D) 2
- E) 5

67. Юқоридаги парчада мавжуд бұлган олмош тури

- A) ұзлик олмоши
- B) гумон олмоши
- C) белгилаш олмоши
- D) бұлишсизлик олмоши
- E) кишилик олмоши

68. Бирдан құшни хотинларнинг ғала-ғовурини эшитиб қолди. Ушбу гапдан аниқловчини топинг.

- A) ғала-ғовурини
- B) хотинларнинг
- C) хотинларнинг ғала-ғовурини
- D) құшни хотинларнинг
- E) бирдан

69. *Чегарачилар* сўзида қатнашган жарангли ундошлар сони

- A) 3
- B) 4
- C) 2
- D) 1
- E) 5

70. Бугун, эй дўстлар, фарзанди жононимни соғиндим,
Гадо бўлсам не айб, ул шоҳи давронимни соғиндим.
Ушбу мисралар муаллифи.

- A) Увайсий
- B) Анбар отин
- C) Макнуна
- D) Моҳларойим
- E) Нодира

1-БЛОК бойынша тест аяқталды.